

**ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ОМИЛЛАРИ
(махаллий бошқарув мисолида)**

Анорбоев Ф. -

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати масъул ходими

Жаҳонда юзага келган кескин ўзгаришлар жараёнида инсоният олдида жамиятнинг муҳим сиёсий институтларининг замонавийлашуви, сиёсий модернизация-лашувининг хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг ривожланишга хос бўлган имкониятларини доимий ўрганиш ҳар доимгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув шароитида демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётган, бозор муносабатларига ўтилаётган бир даврда, жамиятнинг сиёсий модернизациялашувини тадқиқ этиш ҳамда мавжуд бошқарувни барқарорлигини таъминлашда уларнинг замонавийлашуви жиҳатларини, омилларини концептуал жиҳатдан ўрганиш ҳар бир демократик давлатнинг ҳар томонлама имижини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, демократик ривожланишга хос бўлган тамойилларни муайян мамлакатда янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг асосий шarti сифатида айнан давлат бошқаруви ва унинг замонавий муносабатларга киришуви жараёнлари муҳим роль ўйнамоқда. Бу жараён бевосита ҳар қандай давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий муҳитининг эволюцион ривожланишига таъсир этувчи объектлардан бири ҳисобланган – сиёсий институтлари трансформациялашуви жараёнининг қай тарзада амалга оширилиши, кечиши, уларнинг фаоллиги ҳамда муайян давлат ва жамият тизими такомиллидаги иштирокида қанчалик аҳамиятини доимий равишда тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни янада оширади.

Сиёсий модернизация назарияси – жамиятнинг анъанавий сиёсий тизимларидан замонавий, рационал ва демократик тизимларга ўтиш жараёнини тушунтирувчи концепциядир. Классик модернизация назарияси 1950-60 йилларда шаклланиб, асосан Ғарбий Европа ва АҚШ тажрибасига таянган. Бу назариянинг асосий даъволарига кўра, жамият иқтисодий ривожланиб, саводхонлик ва шаҳарлашиш ўсиши билан бирга, сиёсий институтлар ҳам либерал-демократик тус олади.

С.Липсет каби олимлар иқтисодий тараққиёт (саноатлашув, шаҳарлашув, бойлик ва таълим) демократияга олиб келувчи муҳим омиллар эканини таъкидлаган эдилар[1]. Аммо сиёсий модернизацияни фақат иқтисодий омиллар билан ўлчашни ўзи хато бўлади, боиси, сиёсий модернизация фуқароларнинг истаклари, мойиллиги билан ҳокимият тизимининг ўзгаришлар билан ҳам амалга ошиши кузатилади.

Классик модернизация назариясида бир йўналишли ривожланиш тахмини бор эди, хусусан, барча жамиятлар анъанавийликдан замонавийликка томон бир хил босқичларни босиб ўтади ва яқунда Ғарб демократиясига ўхшаш тизимга эришади. Бундай ёндашувга Габриэль Алмонд, Уолт Ростоу, Дэниэл Лернер, Люсиан Пай, Карл Дойч каби олимлар ҳисса қўшган.

Хусусан, иқтисодчи У.Ростоу иқтисодий модернизациянинг беш босқичдан иборат моделини таклиф қилган, анъанавий жамият, ўзгаришларга тайёргарлик, сакраш (take-off), камолотга интилиш ва оммавий истеъмол даврларга ажратиб ўрганган[2]. Унга кўра, ҳар қандай жамият технологик тараққиёт ёрдамида ана шундай босқичма-босқич ривожланиши мумкин. Сиёсатшунос А.Органский эса сиёсий ривожланишни тўрт босқичга ажратиб ўрганган: сиёсий бирлашув, саноатлашув, миллий фаровонлик ва тараннум (фаровонлик) босқичлари. Унинг таъкидлашича, ҳар бир босқич ўз тартибида амалга ошмаса, ривожланишда муаммолар юзага келади[3].

Замонавий ёндашувлар классик назарияларни танқид қилиб, модернизация жараёнининг турфа хиллигини кўрсатди. Шу билан бирга, 1970-йиллардан бошлаб муқобил назариялар пайдо бўлди: масалан, боқимандлик назарияси (dependency theory) [4] модернизация назариясини Ғарбга хос евроцентрик қараш, деб танқид қилди ва собик

мустамлака давлатларининг қашшоқлигига ташки омиллар сабаб эканини қайд этди. Шунингдек, С. Хантингтон каби олимлар модернизациянинг мурасисиз оқибатларига эътибор қаратишди. Хусусан, Хантингтоннинг фикрича, модернизация натижасида жамиятда тезкор ижтимоий сафарбарлик юз беради, аммо агар сиёсий институтлар барқарор ва кучли бўлмаса, бу сиёсий беқарорлик ёки таназулига олиб келиши мумкин. Унинг фикрича, “сиёсий тараққиётнинг орқага қайтмаслигига ишониш хато, ривожланиш натижасида баъзан сиёсий таназул ҳам кузатилиши мумкин”. [5]

Шу боис, Хантингтон сиёсий ривожланишни институционализация даражаси орқали баҳолаш кераклигини айтган, яъни жамиятда қонун устуворлиги, барқарор ташкилотлар ва тартибли сиёсий жараёнлар таъминланиши зарурлигини кўрсатган. Замоनावий тадқиқотларда кўп векторли модернизация концепцияси ҳам ривожланди. Масалан, Ш. Айзенштадт “кўплаб замонавийликлар” назариясини илгари суриб, ҳар бир цивилизация модернизацияни ўзига хос йўл билан кечириши мумкинлигини айтди. [6] Ф.Фукуяма 1990-йилларда модернизация назариясини “тарихнинг якунланиши” (либерал демократиянинг ғалабаси) сифатида баҳолаган бежизга эмас эди. яъни, иқтисодий фаровонлик аввалига авторитар тартибда ҳам ўсиши мумкин, аммо маълум бир босқичдан сўнг жамиятда мустақил фикр, эркинликка интилиш кадриятлари кучайса, шу омиллар демократия талаби сифатида намоён бўлади.

Модернизация назарияларига бўлган танқид ва баҳо бериш жараёнида, XX аср охири – XXI аср бошларида мураккаб (комплекс) модернизация назариялари шаклланди. Яна бир олим Ростоу беш босқичли модели орқали модернизациянинг тарихий босқичларини иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилади. Унга кўра, биринчи босқич – анъанавий жамият (аграр хўжалик, қадимий иерархиялар), иккинчи – ривожланиш учун шарт-шароитлар босқичи (илмий билимларни амалиётга татбиқ этиш, масалан, Европада 17-18-асрларда илм-фан ютуқлари қишлоқ хўжалиги ва саноатда қўллана бошлаши). Учинчи босқич – сакраш (take-off), яъни жамиятнинг индустриал ўсиш даври: инвестициялар кескин ошиб, янги тадбиркорлик синфи пайдо бўлади ва иқтисодиёт тез суръатларда ўсади. Тўртинчи – ривожланишга интилиш даври: илғор технологиялар жамиятнинг барча соҳаларига тарқаб, иқтисодий диверсификация кучаяди; саноат маҳсулотлари турли хил тармоқларни қамраб олади. Бешинчи босқич – оммавий фаровонлик (юқори истеъмол) даври, бу босқичда иқтисодиёт асосан хизмат кўрсатиш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга йўналади, аҳоли турмуш даражаси юқори ва ижтимоий қафолатлар кенг қамровли бўлади. Ростонинг таъкидлашича, Ғарб жамиятлари (масалан, АҚШ) 1920-йилларга келиб шу якуний ривожланиш босқичга эришган эдилар.

Фикримизча, модернизациянинг тарихий ривожланиши бир хил қадамлардан иборат эмас, балки ҳар бир ҳудуд ва давр учун ўзига хос босқич ва тезликка эга ҳисобланади. Ғарб Европаси бир неча асрлар давомида босқичма-босқич сиёсий институтларини демократлаштирган бўлса, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида баъзи ҳолларда тезкор “сакраш”лар орқали модернизацияга интилиш кузатилган. Бу эса кўпинча беқарорликка олиб келган ҳоллар ҳам бор (масалан, 1960–70 йиллар Африкада кўплаб ҳарбий тўнтаришлар модернизация сиёсатлари ортидан келган). Шунингдек, сиёсий модернизация давомида давлат ва жамият ўртасида янги ижтимоий шартнома шаклланади. Давлат энди фуқаролар олдида ҳисобдор бўладиган, уларнинг манфаатларини инобатга оладиган тузилга айланиши керак бўлади. Фуқаролар эса ўз навбатида давлат ишларида қатнашувчи шахслар сифатида масъулият ҳис қила бошлайдилар.

Турли мамлакатлар тажрибасини қиёслаб, бир неча умумий хулосалар чиқариш мумкин. Биринчидан, узоқ муддатли босқичма-босқич ривожланган давлатларда (Ғарб демократияси) модернизациянинг таъсири билан давлат институти ва жамият ўртасида мустақкам келишув шаклланган, давлат фуқаролар фаровонлигига масъул, фуқаролар эса давлатга ишонади ва унга таъсир ўтказишнинг институционал йўллари эга.

Иккинчидан, тезкор модернизация қилган давлатларда (кейин ривожланаётган деб аталган) бир босқичда кескин ўзгаришлар кўп бўлгани сабабли, кўпинча сиёсий

силкинишлар кузатилган; масалан, иккинчи жаҳон уруши сўнгги мустамлака даври тугаб, кўп давлатлар тез мустақил бўлиб кетди – бир неча йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий тизимни қайта қуришга тўғри келди, бундай юкломани ҳамма жойда ҳал қилиш осон кечмади.

Учинчидан, авторитар модернизация режимида иқтисодий-ижтимоий замонавийлик белгилари намоён бўлгани ҳолда, сиёсий тортишувлар яширин ёки босиқ ҳолда қолаверади; бундай жараён узоқ муддатда демократик трансформацияга олиб келмаслиги мумкин, лекин умумижтимоий барқарорликка ҳам таҳдид солиб туриши мумкин – чунки, таъминланмаган сиёсий талаблар тўпланиб бориши эҳтимоли бор.

Тўртинчидан, демократияга ўтаётган мамлакатлар модернизация жараёнида ташқи таҳдид ва ички инерцияларга қарамай, янги институтларни жорий этиш орқали сифат жиҳатидан янги давлат-жамият муносабатларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда уларга халқаро ҳамжамият (масалан, Европа Иттифоқи кенгайиши сиёсати Шарқий Европага, ёки Американинг Лотин Америкасига таъсири) кўмак бериши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энг асосийси, Ўзбекистон мисоли жаҳон модернизация тажрибаларининг бир ёрқин исботидир, масалан унда барқарор ва инклюзивлилик (барчани қамраб олган) ривожланиш учун сиёсий ислохотлар иқтисодий тараққиёт билан ҳамроҳанг олиб борилиши, давлат институтлари кучайтирилиши билан бирга фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллиги оширилиши лозим.

Юқорида турлича мамлакатлар мисолида кўриб ўтилганидек, сиёсий модернизация жараёнига таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд. Қуйидаги жадвалда баъзи сиёсий модернизация омиллари ва уларнинг роли қисқача баён этилади:

Модернизация омиллари	Ўрни ва аҳамияти
Иқтисодий ўсиш ва тараққиёт	Узлуксиз юқори иқтисодий ўсиш сиёсий модернизацияни осонлаштиради. Даромад ошиши билан ўрта табақа кенгайди, таълим ва шаҳарлашув ортгани сайин фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини талаб қила бошлайди. Барқарор иқтисодий ўсиш – демократияга ўтиш ва уни сақлаб қолиш учун муҳит яратади. Бунга қарши, узоқ муддатли иқтисодий таназзул ҳар қандай модернизация саъй-ҳаракатларини тўхтатиб қўйиши мумкин.
Сиёсий маданият ва кадрлар	Жамиятда индивидуал ҳуқуқлар, фикр эркинлиги ва сиёсий иштирок кадрлар сифатида эътироф этилса, модернизация муваффақияти эҳтимоли ошади. Фуқароларнинг демократияга тайёрлиги – уларнинг сиёсий маданиятига боғлиқ. Масалан, шахсий эркинлик ва қонун устуворлиги кадрларидан маданият демократияни мустаҳкамлайди. Айрим анъанавий маданий кадрлар эса (динчиларнинг сиёсатда устуворлиги, патриархал кадрлар) модернизацияга тўсиқ бўлиши мумкин, гарчи баъзи ҳолларда анъаналар муҳофазайи модернизацияда фойдали ҳам бўлган (Япония мисолида).
Ижтимоий тузилма ва ўрта синф	Янги шаҳарлашган, саводли ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ўрта табақа демократик ислохотларнинг асосий таянчи ҳисобланади. Жамиятнинг бир хил (этник-дин жиҳатдан) ҳамжиҳатлиги ҳам аҳамиятли – нисбатан яққил жамиятларда модернизация осонроқ кечади, кескин этник ёки минтақавий бўлинишлар эса жараённи мураккаблаштиради. Бироқ мувофиқ тушунув ва муроа воситалари (масалан, консенсус демократия – консенсиатив модель) орқали кўп миллатли жамиятларда ҳам модернизация таъминланиши мумкин. Шунингдек, турли ижтимоий синфларнинг ҳамкорлиги – масалан, буржуазия ва ишчилар табақаси иттифоқи – демократияни барқарорлаштиради.
Сиёсий элита ва лидерлик	Модернизациянинг муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакат раҳбарияти ва элиталарига боғлиқ. Агар ҳукмрон элита ичида “модернизация тарафдорлари” кучли бўлса, улар анъанавий муҳолиф элиталарни сиғдириб, янги институтларни жорий эста, жараён тезлашади. Бошқарувчи доираларнинг ўзгаришга тайёр эмаслиги эса тўсиқ бўлади. Шунингдек,

	етақчи шахслар (лидерлар)нинг сиёсий иродаси ва қараршлари муҳим аҳамият касб этади.
Фуқаролик жамияти ва жамоат фаоллиги	Йирик ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар ва муҳолифат фаолияти сиёсий модернизацияни ёқувчи куч вазифасини бажаради. Масалан, намойишлар ва норозилик ҳаракатлари орқали жамият демократия талабларини илгари суради. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти кучайиши давлатни тийиб туриш механизмини яратади. Модернизациянинг муваффақиятли бўлиши учун фуқароларнинг уюшганлиги ва фаоллиги даражаси баланд бўлиши керак.
Халқаро муҳит ва таъсир	Ташқи омиллар ҳам қатта аҳамиятга эга. Агар мамлакат халқаро майдонда демократик давлатлар ҳалқасида бўлса, иқтисодий алоқалар ва интеграция уни демократияга ундайди (Европа Иттифоқига қўшилиш истаги Шарқий Европада демократияни рағбатлантиргани каби). Аксинча, атрофида душманона муҳит ёки кучли авторитар қўшнилари мавжуд бўлса, демократияга ўтиш қийинлашади ва ташқи босимлар модернизацияни чегаралаб қўяди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХХТ) ва донор давлатларнинг илғор тажриба алмашиш, техник ёрдамлари модернизацияга кўмаклашади.

Шуни таъкидлаш жоизки, модернизация омилларининг ижобий таъсири тўлиқ намоён бўлиши учун уларнинг мувозанати ва уйғунлиги зарур. Фақат иқтисодий ўсишнинг ўзи сиёсий модернизацияга олиб келмаслиги мумкин – агар у билан ҳамоҳанг равишда ҳуқуқий институтлар ва шаффофлик таъминланмаса, кутилган натижа бермаслиги мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон каби давлатлар сиёсий модернизация йўлини ўтаётиб, халқаро тажрибани ўз шароити билан синтез қилган ҳолда илгарिलाши лозим. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сўнгги йилларда сиёсий ислохотлар суръатини оширди ва халқаро майдонда ҳам ижобий қобилиятга эга бўлган янги қиёфасини намоён этишга интиломда. Бу жараённинг муваффақияти нафақат қабул қилинаётган қонун ва қарорларга, балки уларнинг ҳаётга нечоғлик татбиқ этилишига боғлиқ бўлади. Шу боис, фикримизча, амалда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш этиш муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, давлат ва жамият тараққиётида сиёсий модернизация жараёнларини таҳлил этиш сиёсий тизимнинг функционал самарадорлигини ошириш, уни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий эҳтиёжларига мослаштириш зарурлигини кўрсатади. Институционал ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши сиёсий легитимликнинг мустаҳкамланиши ва давлат бошқарувида барқарорликнинг таъминланишига хизмат қилади;

Иккинчидан, модернизация жараёнининг назарий-методологик асоси сифатида демократик кадрлар, қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлиги тамойиллари муҳим ўрин тутди. Бу омиллар сиёсий тизимда барқарор демократик муҳитни шакллантириб, давлат ва жамият муносабатларининг институционал асосларини мустаҳкамлайди;

Учинчидан, сиёсий модернизациянинг асосий йўналишларидан бири фуқароларнинг сиёсий онг ва сиёсий маданиятини юксалтиришдир. Таълим тизими ривож, ахборот маконида шаффофлик ва жамоатчилик назоратининг кучайиши фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлайди, бу эса сиёсий мобилизация ва жамиятнинг демократлашувига олиб келади;

Тўртинчидан, глобаллашув, ахборот технологияларининг тараққиёти ва трансмиллий интеграция жараёнлари миллий сиёсий тизимларнинг модернизациясида янги тенденцияларни вужудга келтирмоқда. Шу орқали давлат бошқаруви тизимида инновацион ёндашувлар қарор топиб, сиёсий жараёнларда самарадорлик ва шаффофлик даражаси ошади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Lipset, S.M. (1959). "Some Social Requisites of Democracy: Economic Development and Political Legitimacy." *American Political Science Review*, vol. 53, pp. 69–105.
2. Блауг М. Ростоу, Уолт У., Rostow Walt W. (1916 — 2003) // 100 великих экономистов после Кейнса. — СПб.: Экономикс, 2009. — С. 248—251.
3. Organski, A. F. K. [англ.]. *World Politics*. — New York, 1958. P.44.
4. Кам ривожланган мамлакатлар ривожланган давлатларнинг иқтисодий манфаати учун хизмат қилишга мажбур бўлади, шунинг учун уларни «оддий тараққиёт йўли» орқали бойиши қийин назарияси.
5. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. — М.: Прогресс-Традиция, 2004. С. 65.
6. Eisenstadt S.N. Some Observations on Multiple Modernities (неопр.) // *Reflections on Multiple Modernities: European, Chinese and Other Interpretations / Dominic Sachsenmaier, Shmuel Noah Eisenstadt, Jens Riedel*. — BRILL, 2002. — С. 27.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада давлат ва жамият тараққиётида сиёсий модернизациялашув жараёнларини ўрганишнинг асосий омиллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сиёсий модернизация, давлат ва жамият тараққиёти, маҳаллий бошқарув, демократия, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются основные факторы изучения процессов политической модернизации в развитии государства и общества.

Ключевые слова: политическая модернизация, развитие государства и общества, местное управление, демократия, политические институты, гражданское общество

RESUME

This article analyzes the main factors in studying the processes of political modernization in the development of the state and society.

Key words: political modernization, state and society development, local governance, democracy, political institutions, civil society.